

УЎТ: 638.16

АСАЛНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Н.Ф.Нурмуродова

СамДВМЧБУТФ. Таънч докторанти

Аннотация: Мақолада гулиширасини асалга айланиши кўп хил жараёнларга боғлиқ. Шунинг учун унинг кимёвий таркиби хам ҳар хил бўлади. Гулишираси таркибидаги кимёвий элементлар асалга фақатгина асалари ёрдамида ўтади. Асалари гулиширасини асал қопчасида тўплангандан сўнг, у бир неча бор қайта ишланади ва асалга айланиши хусусида мулоҳазалар киритилган.

Annotation: In the article, the conversion of roses into honey depends on many different processes. Therefore, its chemical composition is also different. The chemical elements in the pollen are transferred to the honey only by bees. Once the bee pollen has been collected in a honey bag, it is processed several times and feedback has been made on its conversion into honey.

Калит сўзлар: нектар, гулишира, асал қопчаси, фермент, органик кислота, ўткир шира, нектардин, гул бези, витаминлар, аминокислоталар.

Мавзунинг долзарблиги. Асални ҳосил бўлишида гулишираси катта рол ўйнайди. Гулишираси ўсимликлардаги ширадонлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва узоқ давом этадиган физиологик жараёндир. Гулишираларининг хушбўй ҳиди орқали, ўсимликлар четдан хашаротларни ўзига жалб қиласди. Улар учун озуқа манбаси ролини хам ўтайди ва келажакда ўзидан насл қолдириш учун ҳам хизмат қиласди [2].

Шунингдек, гулишираси бактерицидлик хусусиятига хам эга [2], гулдаги урчиш жараёни учун хизмат қиласдиган генератив аъзоларни ҳар хил юқумли инфекциялардан ҳам сақлаб қолиши аниқланган.

Ўсимликларнинг гулишира ажратиши одатда унча кўп эмас, лекин бу гулишираларнинг микдори ҳар хил ташқи таасуротлар таъсирида ўсимлик турлари ва ўхшаш шароитларига қараб бирмунча ўзгариб туради.

Асалариларнинг бир маротаба учиб, ўз уясига 45-50 мгр гулиширасини олиб келишини ҳисобга олсақ, ана шу ишни бажариш учун асаларилар 1 кг асал тўплаши учун миллионлаб гулларга кўнади, ўзидан кўплаб энергия ва вақт кетишини ҳисобга олмоқ ҳам лозим.

Гулиширасининг кўп микдорда углеводларни сақлашини, гоҳида унинг қанд моддаси билан сувнинг қўшилмалари деб қараганлар. Шунинг учун ҳам ўсимлик гулишираси ана шу аснода жуда кўп ўрганилган [7].

Қўйидаги 1-жадвалда ўсимликлар гулишираси микдори тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўсимликлар гулшираси ва қанд миқдори тўғрисидаги маълумотлар

Гулшира берувчи ўсимлик номи	Битта гулнинг шира миқдори (мг)	Ширадаги қанд миқдори, %	Аниқлаганн муаллиф номи, йили
Рапс	0,32±0,01	50,7±2,53	Тўраев О.С., 2006
Перко	0,55±0,05	63,2±3,81	Тўраев О.С., 2006
Беда	0,47±0,08	53,1±0,75	Тўраев О.С., 2006
Тарвуз	17,13±3,12	39,8±0,84	Хамидов Г., 1988
Қовун	13,08±2,61	41,8±0,25	Хамидов Г., 1988
Бодринг	9,15±1,83	39,5±0,15	Хамидов Г., 1968
Ошқовоқ	28,4±6,18	48,4±6,18	Хамидов Г., 1988
Ўрта толали пахта	4,4±0,19	37,9±0,69	Тўраев О.С., 2006
Ингичка толали пахта	8,2±0,12	49,8±0,56	Тўраев О.С., 2006
Кампирсоч	36,3±30,0	55,4±0,143	Тўраев О.С., 2006
Тўятовон	27,1±41,4	51,1±0,38	Тўраев О.С., 2006
Исириқ	0,16±34,4	34,4±0,01	Тўраев О.С., 2006
Астрогел	19,4±31,0	4,1±0,02	Тўраев О.С., 2006
Янтоқ	0,16±4,0	39,4±61,4	Тўраев О.С., 2006
Кендири	4,7±51,1	43,2±0,03	Тўраев О.С., 2006
Каперс	48,1±9,24	52,2±3,55	Тўраев О.С., 2006

1 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон шароитида ўсадиган ўсимликларнинг гулшираси ва ундаги қанд мoddаси хам турлича бўлар экан. Сершира ўсимликлар ичida кампирсоч ва каперс ўсимликларида шира миқдори анчагина 36,3 мг-дан 48,1 мг-гача бўлиб, уларнинг шира таркибида қанднинг миқдори ҳам шунга яраша 52,2% дан 55,4% гача ўзгариб турган [8].

Ўзбекистонда энг асосий асал берувчи ўсимликларидан бўлган ўрта толали ғўза навларининг битта гули 4,1 мг ва республиканинг жанубий вилоятларида экилаётган ингичка толали ғўза навларида эса 8,2 мг-гача гулшира беради, ёки уларни таркибидаги қанд миқдори ҳам 37,9 дан 49,8% гача ўзгариб туриши аниқланди.

Ўсимликлар гулширасини асалга айлантириш учун асаларилар кўп хизмат қиласди.

Асал – ўсимликлар гулидан ширин гулширанинг (нектар) асаларилар ўз организмида тўплаши ва қайта ишлаши йўли билан ҳосил бўладиган ширин суюқлик ҳисобланади.

Асалнинг асосий манбалари бўлиб гулшира ва ўткир (падъ) шира ҳисобланади. Гулшираси ўсимлиқдаги гул безлари бўлган нектардонлардан ажralиб чиқадиган ширин суюқликдир. Гулшираси таркибида қандлар миқдори 80% гача қисмини ташкил этади. Қанд ва сувдан ташкил гулшира таркибида органик кислоталар, витаминалар, минерал мoddалар, ферментлар ва аминокислоталар бор. Маълумотларга кўра гулширасидаги қанд ва сув миқдори худуддаги иқлим, тупроқ, шароитига ва ўсимликлар турига қараб бирмунча ўзгарувchan бўлади [7].

Үткір (падь) шира турли хил ўсімлік барглари ва пояларидан ажралиб чиқадиган ширин ширави чиқындысідір. Асаларилар эса ана шу ширави ширин суюқликни йиғиб, үткір (падь) асалыға айлантиради. Гулширани ёки үткір (падь) ширани ишчи асаларилар ўзларининг сўрувчи хартумчаси ёрдамида гулдаги ширадонлардан сўриб олади ва асал жиғилдонига тўплайди. Бу вақтда гулшираси асалари сўлак безлари томонидан тўхтовсиз равишда қайта-қайта ишланиб ферментлар билан бойитилади.

Ишчи асаларилар гулширасини олиб келгач, хартуми ёрдамида уядаги ҳали ёш учомлайдиган асалари хартумига беради. Гулширани қабул қилувчи уядаги ёш асаларилар эса уни асал жиғилдонига (қопчасига) шимиб олади, кейин уни қайтадан хартуми орқали қусади. Бу жараён бир неча бор такрорланади ва натижада гулширасидаги сув миқдори 20-40% гача камаяди. Ундан кейин асаларилар чала ишлаган гулширасини кичик томча шаклида рамкадаги мумкатақчаларига жойлаштиради. Асалари уясида ишчи асаларилар томонидан кучли шамоллатишлари туфайли гулшираси таркибидаги сув миқдори парланиши давом этади. Асал таркибидаги сув миқдори 20% дан кам бўлгандан кейин, асаларилар рамкадаги асалли катақчаларни устини мум қопқоқчалари билан муҳрлаб қўяди.

Гулширасини қайта ишлаш жараёнида, унда мураккаб биокимёвий жараёnlар содир бўлади. Инвертаза ферменти таъсирида сахароза оддий қандлари глюкоза ва фруктозаларгач парчаланиб кетади. Шу асосда бизлар ғўза ўсимлиги гулширасини гуллаб турган даврида, унинг кимёвий таркибини ўргандик. Бу тўғридаги маълумотлар қуйидаги 2 жадвалда келтирилган.

2 жадвал

Ғўза ўсимлиги гулширасини асалга айланиши (% ҳисобида)

Кўрсаткичлар	п	Гулшира таркиби	Асал таркиби
Сув	20	75,0±	16,0±
Фруктоза	10	12,1±	42,1±
Глюкоза	10	11,0±	38,0±
Сахароза	10	2,12±	1,4±
Кислоталар	10	-	4,75±

2 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гулшираси таркибida энг кўп сув 75,0% бўлар экан. Гулширасидаги ана шу сув миқдорини асаларилар кўп маротаба қайта ишлаб, унинг миқдори 16-18% гача келтириши учун кўп хизмат қиласи. Гулшираси таркибидаги фруктоза миқдори 12,1% бўлса, у асал таркибida анчагина кўпайиб 42,1% га, глюкоза миқдори 11,0% дан 38,0% гача ошиб кетиши аниқланди. Худди шундай, сахароза миқдори 2,12% дан 1,1% га камайиши ва ғўза гулшираси таркибida кислоталар умуман бўлмаслиги аниқланди. Лекин пахта асали таркибida кислоталар миқдори 4,76% гача бўлиши аниқланди.

Кўпгина олимларнинг [4, 9] таъкидлашларича, асал таркибида 100 дан ортиқ ҳар хил органик моддалар борлиги аниқланган. Бизлар ўтказган тадқиқот ишларимизда пахта асали таркибидаги кимёвий моддаларнинг энг қўпи миқдори углеводларга тўғри келиши аниқланди. Улар асал қуруқ моддасининг 95-99%ни ташкил этмоқда. Асал углеводлари асосан глюкоза, фруктоза, сахароза, мальтоза ва декстринлардан ташкил топган. Бу тўғридаги маълумотларни қўйидаги 3 жадвалдан кўришингиз мумкин.

3 жадвал

Ўзбекистонда етишиширилган гул асали ва ўткир (падь) асаларининг кимёвий таркиби кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	n	Гул асали		Ўткир (падь) асали	
		Lim	M±m	Lim	M±m
Сув миқдори, %	10	11-26	19,5±	14-22	18,0±
Оддий қандлар	10	60-84	75,0±	56-78	67,0±
Сахароза	10	0,0-12	0,0±	0,8-15	7,0±
Мальтоза	10	1,1-10	5,6±	1,0-16	8,8±
Олигосахаридлар	10	0,0-8,0	4,0±	0,3-19	9,65±
Диастаза сони, Готе бирлигига	10	1,0-50	25,5±	6,7-48	27,3±
Минерал моддалар	10	0,02-0,8	0,41±	0,015-1,5	0,73±
Умумий кислоталик даражаси, М-ЭКВ, кг	10	15-62	38,5±	8-80	44,2±
Ph миқдори	10	3,2-6,5	4,8±	3,7-5,6	4,65±

3 жадвал маълумотларидан кўринишича, асалнинг асосий қисмини оддий қандлар (75,0%), умумий кислотанинг даражаси (38,5%), диастаза сони (25,5%) ва сув миқдори (19,5%) ташкил қилас экан. Энг кам миқдорини минерал моддалар (0,41%) ташкил этиши аниқланди. Ўткир (падь) асаллар таркибида энг кўп миқдорини оддий қандлар (67,0%), диастаза сони (27,3%) ва минерал моддалар эса (44,2%) ташкил этади. Энг кам моддалардан умумий кислоталиги (44,2%) ҳамда оддий қандлар (67,0%) ташкил этиши аниқланди.

Баъзи бир тадқиқотчилар фикрига кўра [1, 3, 4], асал таркибидаги углеводлар сони 25 хил қандлардан иборат бўлиб, булар қаторига 2-та моносахаридлар, 11 та дисахаридлар ва 12 та олигосахаридлар киришини таъкидлаб ўтганлар.

Асалнинг асосий углеводлари бўйлб глюкоза ва фруктоза ҳисобланади. Бу моносахаридларнинг хусусияти шундаки, асалнинг ширинлигини, озуқавий қийматини, кристалланишини ва гигроскопик хусусиятларини белгилайди.

Кўпгина муаллифларнинг маълумотларига кўра, асалда глюкоза 20,4 дан 44,4% гача ва фруктоза эса 21,7 дан 53,9% гача этиши мумкинлигини кўрсатиб ўтадилар.

Асалнинг иккинчи асосий компонентларидан бири сув ҳисобланади, унинг миқдори 15 дан 23% гача ўзгариб туради. Асал таркибидаги сув миқдори иқлим шароитларига, асаларининг зотига, гулшира берувчи ўсимликлар турларига боғлиқ

бўлади. Бизлар ўрганган Ўзбекистон асаллари таркибида сув миқдори 14-20%ни, ўртача 16%ни ташкил этган.

Ўзбекистон асаллари таркибида органик кислоталар оз миқдорни ташкил этади. Олдинги кўпчилик муаллифларнинг фикрига кўра, асалнинг асосий қисмини чумоли кислотаси деб ҳисобланар эди. Ҳақиқатда бу кислота асалдаги органик кислоталарнинг атиги 10% дан хам кам қисмини ташкил этади. Ҳозирги маълумотларга асосан, асалнинг асосий кислотаси бўлиб – бу глюкан кислотаси ҳисобланади. Бу кислота глюкозанинг глюкооксидаза ферменти таъсирида оксидланиши туфайли ҳосил бўлади. Чумоли, глюкон кислоталаридан ташқари асалда шавель, янтарь, лимон, олма, бензой ва бошқа кўплаб кислоталар борлиги аниқланган.

Асалнинг умумий кислоталиги асал турига қараб қайта **диапазага** ўзгариб туради. Оч рангли асалларнинг кислоталик даражаси анча паст ва тўқ рангли асалларга нисбатан юқори бўлади.

Асалнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашда, унинг фаол кислоталигини (pH) аниқлаш катта аҳамиятга эга. Асалнинг фаол кислоталиги, унинг бижғиши, мазаси, бактериоцидлик хусусиятлари билан боғлиқдир. Бизлар ўрганган асалларнинг фаол кислоталиги 3,2 дан 6,5% гача ўзгариб турганлиги аниқланган, ёки бошқача қилиб айтганда, асал нордон реакцияга эга. Ўрганилган 48 хил асаллардаги фаол кислоталик даражаси ўткир (падъ) асалларда гул асалига нисбатан анча юқоридир.

Асал таркибидаги барча органик элементлар одам организми учун зарур бўлган, қарийб хамма кимёвий элементлар борлиги билан қимматлидир.

Асал таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори ўрта ҳисобда 0,2%ни ташкил этади. Асалда калий, натрий, кальций, фосфор, олтингугурт, хлор, магний, темир, мис, марганец, хром, рух, титан, қўрғошин каби микроэлементлар учрайди. Ўзбекистон шароитида бизлар ўрганган полифлер асаллари таркибидаги минерал элементларнинг иккidan бир қисми калий элементига тўғри келади, фосфор, натрий ва кальций элементлари миқдори ҳам бошқа элементларига нисбатан анча кўпроқ бўлади.

ХУЛОСА. Гулширасини асалга айланишида қўпгина жараёнлар содир бўлади. Айниқса, гулшираси таркибидаги глюкоза ва фруктоза каби моносахаридлар катта роль ўйнаши аниқланган. Шунингдек, гулшираси таркибидаги сув миқдори (75%) камайиб, асалга айланишда (16-18%) асалариларнинг меҳнати жуда бекиёс эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг асаллари таркиби ва унинг кимёвий хусусиятлари асал тўпланган жой иқлими, тупроқ шароити ва асал берувчи ўсимликлар оламига кескин боғлиқ эканлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баталини М.,Бази Дж. Сравнительные исследования природы глюцидов в ряде сортов монофлёрных медов и в соответствующем нектаре. Сб.научных трудов Апимондии. Изд. Апимондии. Бухарест, 1972, стр. 236-241.
2. Карташова И.П. Антисептические свойства нектара и нектарников некоторых растений. Ж. “Общая биология”, 1988, №6, стр. 235-241.
3. Крахотин Н.Ф. Ўзбекистонда асаларичилик. Тошкент. “Меҳнат”, нашриёти, 1993.
4. Чепурной И.П. Заготовка и переработка мёда. Москва, “Агропромиздат”, 1987.
5. Тўраев О.С. Асал товаршунослиги. Бухоро, 2008.
6. Тўраев О.С., Тўраев О.О., Омонов О.Ю. Бир қошиқ асал. Тошкент, “Мунис” нашриёти, 2012.
7. Тўраев О.С. Технология содержания пчёл в хлопкосеющих зонах Бухарского вилоята. Диссертация, 2006, Тошкент.
8. Тўраев О.С. Каперс. Ж. “Пчеловодство”, 1984, №5, стр. 45.